

## ШНК 2.05.03-12\* “Кўприклар ва қувурлар”га 2-сон ўзгартириш

1. 1.65\*-бандининг еттинчи-тўққизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Турли баландликдаги кўча (йўл)лар кесишмасида ва йўл ўтказгичлар бўйлаб сувни олиб чиқиш қурилмалари, трамвай ва темир йўл излари бўлмаганда, шунингдек, доимий пиёдалар қатнови бўлмаган ҳолатларда эстакадали йўл ўтказгичларда хизмат йўлакларини кўзда тутмасликка рухсат берилади.

Кўприк иншоотида пиёдалар йўлаклари ва хизмат ўтиш йўлаклари бўлганда тўсиқлар плитали оралик қурилма плитасининг четидан ёки балкали оралик қурилма балкаси қовурғасининг ўқидан камида 0,5 м масофада жойлаштирилиши лозим. Кўрсатилган талаблардан четга чиқиш ҳолати транспорт иншоотини кўтарувчи конструкцияларининг тегишли муҳандислик ҳисоб-китоблари билан асосланиши лозим.

Барча ҳолатларда тўсиқлар мажбурий тарзда панжарали тўсиқлар билан жиҳозланиши лозим”.

Сакқизинчи-ўн иккинчи хатбошилари ўнинчи-ўн тўртинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

2. 2.12-бандда “а” кичик бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қайта қурилаётган иншоотлар учун оғирлик тушиш синфи лойиҳалаш топшириғига мувофиқ, лекин А-11 дан кам бўлмаган даражада қабул қилинади. Аҳоли пунктлари кўчаларида оғир транспорт қатнови тақиқланганда айрим шаҳар иншоотлари учун худди шу синф лойиҳалаш топшириғи билан тасдиқланган ҳолада қабул қилиниши мумкин”.

3. 3.91-банднинг ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Темирбетон таянчлари, қувурларнинг қопламалари ва балкали оралик қурилмалари плиталарини чидамлиликка ҳисоблашда арматурадаги кучланиш белгиланган ҳисобий қаршилиқларнинг (3.26 ва 3.39 бандларга биноан ишлаш шароити коэффициентларини ҳисобга олгандаги) 75%дан ошмаганида, ташқи ҳавонинг энг совуқ беш кунликдаги ўртача ҳарорати (минус 40°С гача) бўлганида чидамлилиқка ҳисобланган арматура учун 3.33 бандда кўрсатилган арматура синфига ва пўлат маркасига қўшимча чекалашлар бажарилмаслиги мумкин”.